ISSN 2181-3187

# КАМЕРАЛ СОЛИҚ НАЗОРАТИ, РИСК АНАЛИЗЛАРНИ СМАРТ ТЕҲНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

***Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич***
*Молия ва Бухгалтерия хисоби кафедраси катта ўқитувчиси*
*ТЕЛ:90-644-74-77*

**А Н Н О Т А Ц И Я**: Мазкур тадқиқотда Республика давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада автоматлаштириш орқали тадқиқот давомида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар камерал солиқ текшируви ва риск анализларда смарт технологиялардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш, ушбу жараённи самарали амалга оширишда бошқа вазирлик ва идоралар билан электрон ҳамкорликни кучайтириш, маълумотларни таҳлил қилишда хорижда фойдаланилаётган имкониятларини маҳаллийлаштириш ва натижада солиққа оид ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ва солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда бартараф этилишини таъминлаш йўналишалри очиб берилган, ҳамда хуфиёна иқтисодиётни камайтиришга хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** Камерал назорат, риск анализ, ахборот-коммуникация технологиялари, маълумотлар базаси, интеграция, автоматлаштириш, солиқ тўловчилар, давлат солиқ хизмати

**A B S T R A C T:** In this study, the scientific proposals and practical recommendations developed during the study by further automating the activities of the state tax service bodies of the Republic, improving the procedure for using smart technologies in camera tax audits and risk analysis, strengthening electronic cooperation with other ministries and agencies in the effective implementation of this process, analyzing data abroad directions for localizing the used opportunities and as a result preventing tax offenses and ensuring their independent elimination by the taxpayer are revealed, and serve to reduce the secret economy.

**Key words:** Camera control, risk analysis, information and communication technologies, database, integration, automation, taxpayers, state tax service

## Кириш

Давлат солиқлар ёрдамида ўз бюджетини тўлдиришдан ташқари, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ЯИМни қайта тақсимлаш, талаб ва таклифни рағбатлаштириш каби функцияларни бажаради.

Жамиятда солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир этилиши – давлат томонидан юқорида санаб ўтилган функцияларни тўлиқ ва сифатли бажарилмаслигига олиб келади.

Бугунги кунда солиқлар йиғилувчанлигини ошириш учун коммерал

назоратни амалга ошириш ва риск анализлар маълумотларини тўплайдиган базанинг такомиллашмаганлиги, давлат солиқ органларига мутасадди идора ва ташкилотлар томонидан ўз вақтида ва сифатли маълумотлар тақдим этилмаётганлиги, корхоналарнинг солиқ мажбуриятлари самарали усул орқали назорат қилинмаётганлиги, камерал солиқ текширувини оддий арифметик амаллар орқали амалга оширилиши оқибатида солиқ назорати кўпроқ инсон омилига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Солиқ органининг банк мижозига нисбатан ахборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровига биноан банк ёзма сўров олинган кундан эътиборан уч кун ичида солиқ органларига куйидагиларни бериши шарт:

1) мижознинг банкда ҳисобварақлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни;

2) мижознинг ҳисобварақларидаги пул маблағларининг қолдиқлари ҳақидаги маълумотларни;

3) мижознинг ҳисобварақларидаги операцияларга доир кўчирмаларни;

4) солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бошқа маълумотларни.[1]

Бундан ташқари Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк томонидан тасдиқланган Адлия Вазирлигида 2004 йил 4 март куни 1321 сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан алоҳида йирик миқдордаги пул маблағлари айланмаси бўйича Давлат солиқ қўмитасига электрон ахборот узатиш тартиби тўғрсида”ги[2] низомнинг 2-бандига кўра тижорат банкларининг бош идоралари хар ойнинг 10,20 ва охирги куни санасида пул айланмалари бўйича ўн кунлик мобайнида амалга оширилган банк операциялари тўғрисидаги ахборотларни шакиллантирилиши ва ушбу низомнинг 5-бандига асосан ахборотлар хар ойнинг 1,11,21 саналарида Давлат солиқ қўмитасига электрон узатилиши кўзда тутилган.

Давлат солиқ қўмитасининг дастлаки маълумотларга кўра шубҳали ва юқори хавф даражада солиқ тўламайдиган корхоналар деб топилган 525 та, бугунги кунда эса 667 тани ташкилаётган накдлаштирувчи корхоналарга, юқоридаги норматив хужжатлардаги бўшлиқлар қўл келган ва ўзларини иқтисодий жиноятларни амлага оширишларига имкон яратган. Қолаверса банк операцияларини Марказий банк томонидан эмас балки Тижорат банкларининг

[1] Ўзбекистон Республикасининг солиқ Кодексининг 134-моддаси “Банкларнинг солиқ назоратини амалга оршириш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлари” 2020 йил.

[2] Адлия Вазирлигида 2004 йил 4 март куни 1321 сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан алоҳида йирик миқдордаги пул маблағлари айланмаси бўйича Давлат солиқ қўмитасига электрон ахборот узатиш тартиби тўғрсида”ги

ISSN 2181-3187

бош идоралари томонидан инсон иомили орқали узатилиши корупцион холатларни юзага келтирмай колмаслигига хеч ким кафолат бера олмайди.

Юқоридагиларга асосан юқорида келтирилган тартибни ва бугунги кунда амалда бўлган, Тижорат банкларнинг бош идоралари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни йирик миқдордаги пул айланмасини хар ойнинг 1,11 ва 21 куни санасида тақдим этиш тартибини қуйдагича татбиқ этилиши, йирик микдордаги банк айланмаларни хар ойнинг 1 ва 21 кун санасида эмас балки, айланма амалга оширилган бир вақтнинг ўзида, айнан шу субъект томонидан йирик миқдордаги айланма амалга оширилгандан сўнг маълум муддат учун барча айланмаларини ва контрагент ташкилотнинг хам ўтказиб берилган пулни нима мақсадларга сарфланиши бўйича айланмаларни, миқдоридан қатъй назар, инсон омилисиз онлайн равишда Марказий банк томонидан Давлат солиқ қўмитасининг ташқи манба маълумотлар базасига тақдим этилиши, (накдлаштирувчи) сохта тадбиркорларни, бир кунлик корхоналарни фаолиятини қисқартирилишини, тадбиркорлик субъектларни солиқ мажбуриятларни ўз вақтида бажарилишига олиб келади. Шунингдек хуқуқбузарликларни барвақт олдини олиниши ва хамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида хисобланиб давлат прогноз кўрсатқичларни самарали бажарилишини таъминлаш мумкин.

## ХУЛОСАЛАР

- Электор энергиясини мониторинг қилиш ва хисобга олишнинг автоматлаштирилган (ASKUE) тизимини Давлат солиқ қўмитасига интеграция қилиш.
- Бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қиладиган ЯЁҚШлар ва АГТШларга онлайн хисоблагичларни жорий этилиш орқали, уларни Давлат солиқ қўмитасини ташқи манба маълумотлар базасига интеграция қилиш.
- Ўзбекистон Республикаси Президентиниг 2012 йил 30 октябрь кунги ПҚ-1843-сонли қарориниг 2-иловасидаги, давлат солиқ хизмати идораларига солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари пайдо бўлиши (тугатилиши) тўғрисида маълумот тақдим этадиган идора ва ташкилотларнинг рўйхатидаги корхоналар тубдан ислох қилинганли сабабли ушбу рўйхатни ва улар томонидан бериладиган хисоботлар шаклларини қайта кўриб чиқилиши**,** вазифа юклатилган ташкилотлар томонидан маълумот(ахборот)ларни ўз вақтида тақдим этмаслик, лозим даражада тақдим этмаслик ёки белгиланган шаклда тақдим этилмаганлиги учун Ўз.Р. МЖТК нинг 215/3-моддасидаги таъсир чораларини кучайтириш ва юқоридаги ПҚ-1843-сонли қарор 2-иловаси рўйхатига қўшимча устун киритган холда муассаса ходимларининг хам маълумотларни тақдим

этишдаги камчиликларига нисбатан интизомий чораларни қўшиш таклиф қилинади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мусахонзода, И. С. (2022). Корхоналар молиявий натижаларини бошқариш тизими ва уни ҳозирги ислоҳотлар шароитида такомиллаштиришнинг зарурлиги. *Архив научных исследований*, *2*(1). http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1969

2. Тулаев М. (2021). Разработка методики определения уровня существенности в аудите. Экономика и инновационные технологии, (5), 52–60. https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12137

3. Tulaev, M. (2019). Методы определения чистой прибыли и гармонизации международных и национальных аспектов финансовой отчетности. Архив научных исследований, 1(1). https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/326

4. Musakhonzoda Ikromjon Sobirhon Ugli. (2022). Formation and development of the convergence process of two types of standards: IFRS and US GAAP. *Thematics Journal of Business*, *(5)*, http://thematicsjournals.in/index.php/tjbm/article/view/997

5. **Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI).Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587- 4593.- https://www.tojqi.net/index.php /journal/article/view/4494**

6. **Bakhtiyorovich, S. S. (2021). Use of Imitation Innovations in Small Business Development. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 889–898. https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/280**

7. Қличев, Б. П. (2022). Ишбилармонлик фаоллиги таҳлилини ташкил этиш йўналишлари. Архив научных исследований, 2(1). http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373

8. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. Indian Journal of Economics and Business. IMPACT OF TAXES ON THE BANK'S PROFIT Volume – 8; Issue - 3; Year – 2022; Page: 2553 – 2558 DOI: 10.22192/iajmr.2022.8.3.2 http://www.ashwinanokha.com/IJEB.php

9. Тулаев, М. С. (2019). Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма.

10. Қличев, Б. П. (2022). KPI ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Архив научных исследований*, *2*(1). http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1761

11. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. Vol. 30 Iss. 3 (2022) Page: 1284 – 1293 https://journals.kozminskicem-j.com/index.php/pl_cemj/article/view/1284.html

12. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ANALYSIS OF PRODUCT PRICING BASED ON PRODUCT PARAMETERS AND CUSTOMER CHOICE. Journal of New Century Innovations, 6(1), 67–79. http://newjournal.org/index.php/new/ article/view/996

13. Urmanbekova, I. F. (2022). ELEKTR ENERGIYA KORXONALARIDA XARAJATLARNI BUXGALTERIYA HISOBI VA TAHLILI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(6), 889-892.

14. Klichev, B.P., Tulaev, M.S. (2021). Issues of development of the analysis of business activity in joint-stock companies of Uzbekistan. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 11, November 2021, 584-591
https://doi.org/10.5958/2249-7137.2021.02539.8

15. Farkhodovna, U. I. (2020). Improving Accounting of Expenditures at Producing Electrical Power. International Journal of Research in Social Sciences, 10(3), 148-153.

16. Imomkulov Tulkin Burhonovich, (2020). The Impact Of Foreign Direct Investment On Economic Growth In Uzbekistan. International Journal of Academic Accounting, Finance & Management Research(IJAAFMR) ISSN: 2643-976X, Vol. 4 Issue 10, 152-157
http://ijeais.org/wp-content/uploads/2020/10/IJAAFMR201019.pdf

17. Қличев, Б. П. (2022). Маҳсулот сотиш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Science and Education, 3(5), 1719-1728. https://openscience.uz /index.php/sciedu/article/view/3641

18. Bakhtiyorovich, S. S. (2021). Development of Small Business Activities with Imitation Innovations. *Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN*, *2249*(0892). http://www.ajtmr.com/papers/Vol11Issue1/Vol11Iss1_P7.pdf

19. Назарова Муслима Назаровна. (2022). НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ . Journal of New Century Innovations, 10(2), 48–54. http://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/985

20. Назарова, М. (2022). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ. *Iqtisodiyot va ta'lim*, *23*(4), 73–80. https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/566

21. Ф.Қ.Бобохўжаева, (2022). Банкларнинг иктисодий ривожланишида маркетингнинг ўзига хос мухим жихатлари. EURASIAN JOURNAL OF LAW, FINANCE AND APPLIED SCIENCES, 2(13), 156–159. https://doi.org/10.5281/zenodo.7466722

22. Фотима БОБОХЎЖАЕВА, (2021). Банк тизимида маркетингдан фойдаланишни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари. Biznes-Эксперт, 3 (159), 39-42.

23. Холдоров, С. (2022). МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ ВА ЖАҲОН МОЛИЯ БОЗОРИГА ИНТЕГРАТЦИЯЛАШИШНИНГ ЗАМОНОВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1003

24. Tolliboevich Absalamov, A., Odilovich Xudoyorov, O., & Umarovich Kholdorov, S. (2021). Important Aspects Related to Foreign Exchange Operations of

Commercial Banks. In The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems (pp. 693-697). https://dl.acm.org/doi/abs/10.1145/3508072.3508208

25. Khudoyorov Oybek Odilovich (2020). Solution of problems on the development of banks' off-balance operations, SAARJ Journal on Banking & Insurance Research, 2020, Systems (pp. 44-48). https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:sjbir&volume=9&issue=3&article=004

26. O. Khudoyorov, N Ernazarov (2020). Operating banks operations with foreign options and futures of foreign banks: Foreign experiences and their features - Journal of Critical Reviews, https://www.elibrary.ru/item.asp?id=43264712

27. Имомкулов, Т. Б. (2022). ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯВИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. Journal of new century innovations, 6(1), 57-66.

28. Shadibekova Dildor, Nosirova Nargiza, Bozorov Ilyos, Berdiyeva Uguloy, (2020). Prospective Development Analysis of Small Business and Entrepreneurship of Uzbekistan. Test Engineering and Management, Volume 83, 1733-1743 http://www.testmagzine.biz/index.php/testmagzine/article/view/3815/3347

29. Bozorov, I. S., & Haitov, A. B. (2019). Formation of effective system of the mechanism of financing of the small business in the Uzbekistan. ISJ Theoretical & Applied Science, 06 (74), 207-210. http://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.06.74.22

30. Imomkulov, T. B. (2020). Financial Aspects of Selection of Investment Projects by Enterprises in Developing Market Conditions. European Journal of Business and Management, 12(5), 51-54. https://core.ac.uk/download/pdf/304991376.pdf

**31.** Имомкулов, Т., Латипова, Ш. М., & Ходжимамедов, А. А. (2018). ПРОБЛЕМЫ РЕФОРМИРОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИННОВАЦИОННО-ОРИЕНТИРОВАННЫХ ФЕРМЕРСКИХ ХОЗЯЙСТВ. Направления повышения стратегической конкурентоспособности аграрного сектора экономики (pp. 277-282). https://elibrary.ru/item.asp?id=36364226